

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ж.О.Баходиров

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20527093>

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари тизимининг барқарорлигини таъминлашга оид назарий асослар таҳлил қилинади. Банклар фаолиятининг барқарорлиги миллий иқтисодиётнинг узвий қисми сифатида иқтисодий ривожланишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири сифатида кўрилади. Мақолада банк тизимининг барқарорлигини аниқловчи омиллар, хатарларни баҳолаш ва уларни бошқариш механизмларининг ўрни ва аҳамияти ёритилади.

Калит сўзлар. банк тизимининг барқарорли, тижорат банклар, ликвидлилик, эҳтиёж, самарадорлик.

Annotation. This article analyzes the theoretical foundations of ensuring the stability of the commercial banking system. The stability of banks as an integral part of the national economy is considered as one of the main factors contributing to economic development. The article will consider the factors determining the stability of the banking system, the role and importance of risk assessment and risk management mechanisms.

Keywords. stable commercial banks of the banking system, liquidity, demand, efficiency.

Аннотация. В данной статье анализируются теоретические основы обеспечения стабильности системы коммерческих банков. Стабильность функционирования банков как неотъемлемой части национальной экономики рассматривается как один из основных факторов, способствующих экономическому развитию. В статье будут рассмотрены факторы, определяющие стабильность банковской системы, роль и значение оценки рисков и механизмов управления ими.

Ключевые слова. стабильные коммерческие банки банковской системы, ликвидность, потребность, эффективность.

Тижорат банклари тизими мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Ушбу тизим миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги, барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Банклар орқали иқтисодиётда капиталнинг қайта тақсимланиши, инвестицияларнинг молиялаштирилиши ва хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий эҳтиёжлари қондирилади. Шу боис,

тижорат банклари тизимининг барқарорлигини таъминлаш нафақат молия сектори, балки бутун иқтисодиёт барқарорлигига таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда дунё иқтисодиётида юзага келган молиявий инқирозлар банк тизимларининг барқарорлиги масаласини долзарб муаммога айлантирди. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, банкларнинг молиявий мустақамлиги ва барқарорлиги уларнинг ликвидлик даражаси, капитал етарлилиги, активлар сифатини бошқариш ҳамда молиявий хавф-хатарларни бошқариш механизмларига боғлиқ. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий муҳит, давлат сиёсати ва халқаро молиявий институтларнинг тавсиялари ҳам банк тизимининг барқарорлигига бевосита таъсир қилади.

Мазкур тадқиқотда тижорат банклари тизимининг барқарорлигини таъминлашга оид назарий ва амалий жиҳатлар таҳлил қилинади. Хусусан, банкларнинг молиявий кўрсаткичлари барқарорлик даражасини аниқловчи асосий омил сифатида кўриб чиқилади. Тадқиқот, шунингдек, иқтисодий инқирозлар даврида банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш механизмларини аниқлашга қаратилган.

Тадқиқотнинг долзарблиги банк тизими фаолиятининг миллий иқтисодиёт барқарорлигига қўшаётган ҳиссасини ўрганиш билан белгиланади. Шу боис, мазкур иш банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар ва амалий чора-тадбирларни шакллантиришга замин яратади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Банклар иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ва энг асосий секторларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, банклар ликвидлилик марказидир. Бу дегани банклар ўз мижозларининг қўшимча пул маблағлари ва капиталга бўлган эҳтиёжларни қондиради. Мижоз банкларга боради ва ишонадики ликвидлилик маркази сифатида, уларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондиради. Ликвидлилик маркази тартибининг бузилиши хўжалик юритувчи субъектлар ликвидлигига путур етказади ва бунинг натижасида молиявий инқирозлар вужудга келади. Шу билан бирга, банклар фақат ликвидлилик маркази эмас, балки молиявий хизматлар маркази ҳамдир. Банк фаолиятида фаоллик пасайиб бориши банк маҳсулоти камайишига олиб келади, бу эса хўжалик субъектлари ижтимоий фойдалилигини сусайтиради. Шуниси хайратланарли эмаски, ушбу ривожланишга, фаолияти самарадорлигига

ҳаракат қилаётган жамият, энг аввало, банклар ва банк тизими ривожланишига, унинг барқарорлигига алоҳида эътибор қаратади.

Бутун дунё мамлакатлари тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлари мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида доимий изланишда ҳамда ушбу йўналишда турли янгиликлар ва инновациялар ишлаб чиқиш ҳаракатидадир.

Умуман олганда, ҳар қандай алоҳида олинган банк учун тижорат банклари ликвидлилиги, тўлов қобилияти, барқарорлик ва ишончлилик энг зарур бўлган тушунчалар ҳисобланади. Лекин шундай бўлсада, ушбу тушунчалар ўртасида турли ўхшашликлар мавжудлиги кўринади. Шу боис, ушбу тушунчалар мазмун ва моҳиятини турли манбалардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, бизнинг фикримизча, тижорат банклари ликвидлилиги, тўлов қобилияти, барқарорлик ва ишончлиликни қуйидаги расм орқали тўлароқ ифодалаш мумкин.



1-расм. Банкнинг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш [1]

Ликвидлилик тижорат банклари фаолиятида энг асосий тушунчалардан биридир. Ликвидлилик тижорат банклари ишончлиги ва барқарорлиги асосини ташкил этади ва банкнинг тўлов қобилияти бўлишига замин яратади.

Тижорат банкларининг мижозлар ва кредиторлар олдида ўз имиджини сақлаб қолиши учун, энг аввало, уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкам бўлиши лозим.

Агар, банк мижозлари олдидаги депозитларни қайтариш вақти етганда бажара олмаса, у вақтинчалик ликвидли бўлмайди, лекин банкка маблағлар келиб тушгандан кейин, у мажбуриятларни тўлай олади ва ўзининг ликвидлигини тиклайди. Ушбу вазифани банклар ташқи қарз ёки банклараро кредитлар эвазига ҳам амалга оширишлари мумкин. Ўз вақтида банк мажбуриятларини бажара олмаслиги банкнинг тўлов қобилиятига таъсир этмайди. Тўловга қобилиятли банк у эртами, кечми ўз мажбуриятларини албатта бажаради. Ликвидли банк эса, ўз муддатида мажбуриятларини бажарадиган банкдир[2].

Тўлов қобилиятига эга банк деганда, ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш лаёқатига эга бўлган банк тушунилади[3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, банк ликвидлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндисидир[4]».

Банклар ишончлиги деганда, уларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини, яъни биринчи талаб биланоқ амалга ошириш лаёқатига эга бўлган фаолиятини тушунамиз. Ишончлиликка эришиш учун эса, банклар ликвидли ва тўлов қобилиятига ҳамда барқарор бўлишлари лозим[5].

Банк барқарорлиги – бу банклар ўз олдидаги мавжуд барча функцияларни тўлиқ бажариш имкони тушунилади. Банк тизими барқарорлигини, ҳар қандай шароитда, эришилган даражани сақлаб қолган ҳолатда, ривожланиш, тараққиёт сари интилиш, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз ликвидлилик ва тўлов қобилияти мазмунини таҳлил этиш натижасида ликвидлилик бирламчи эканлигини кузатсак, барқарорлик ва ишончлиликда эса барқарорлик фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, ишончлиликка қараганда бирламчи ҳисобланади. Шу билан бирга

барқарорлик динамик хусусиятга эга бўлса, ишончилилик эса статик ҳолатдадир.

«Барқарорлик» тушунчаси хорижлик олимлар, мутахассислар томонидан чуқур ўрганилган ва тегишли таърифлар берилган.

Инглиз олимлари чоп этган нашрларида «барқарорлик» – бу доимий жойлашув, маълум бир объектнинг тенглик ҳолатини таъминлаш, маълум бир алмашув натижасида олдинги ҳолатига қайтиши [6]. Француз олимлари томонидан чоп этилган нашрларда «барқарорлик» – бу ҳамма вақт бир хил ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлган нарсанинг тавсифидир[7]. Немис олимлари томонидан чоп этилган нашрларда эса, «барқарорлик» тебранмаслик ҳолати сифатида талқин этилади.

Хулоса.

Банк тизимининг барқарорлиги нафақат ички омилларга, балки ташқи иқтисодий муҳитга, жумладан, глобал молиявий тизим ҳолатига ва давлат томонидан қабул қилинадиган тартибга солиш чоралари самарадорлигига ҳам боғлиқ. Шунингдек, халқаро тажрибалар банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлашда рискларни бошқариш ва инновацион технологиялардан фойдаланишнинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодий инқирозлар шароитида тижорат банклари тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш учун тизимли ёндашув ва самарали бошқарув механизмлари зарур. Келгусида, банклар барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Ушбу мавзуга оид илмий изланишлар ва амалий ечимлар банк тизимининг янада мустаҳкам ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антипова А.Н. Стандарты банковского надзора в России.-М.:ЦПП Банка России. 1999. –С-67
2. Банковское дело. Под ред. проф. О.И.Лаврушина.-М.: КНОРУС, 2009.-С.12
3. Банки и банковское дело. Под ред. И.Т.Балабанова.- М.: Питер, 2003. -259с.
4. Банковская система в современной экономике: учебное пособие / под ред. Проф. О.И.Лаврушина.-М.:КНОРУС, 2011.
5. Банковское дело: базовые операции для клиентов: Учеб.пособие/ Под ред. А.М.Тавасиева.-М.:Финансы и статистика, 2005.С.-236.

- 6.Банковское дело: учебник для студентов вузов/ Е.П.Жарковская.- М.:Омега-Л,2005.С.100
- 7.Барлтроп К., МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том II. Интерпретация финансовых отчетов. -Вашингтон, Д.С. – ИЭРМБ, 1994. –С.133
- 8.Грачева М.В. Банковская система в развитых странах: некоторые проблемы цифровых технологий. М.: Ось-89, 2003. -с.8
- 9.Глушкова Н.Б. Банковское дело: учебное пособие.М.:Альма Матер, 2007.С.10

